156

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 156 (1418)
9 АВГУСТ
ЯКШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУН БИНОКОРЛАР КУНИ.

Совет бинокорларига—коммунизм қурувчиларига КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини шараф билан амалга ошириш йўлида, Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

БИНОКОР

Азиз ватандош. Ўз қишлоғингиз, ўзингиз яшаб турган шаҳарга бир назар ташланг. Унинг кўрки нақадар гўзал! Соатлаб суқланиб боқсанг ҳам тўймайсан, киши. Ҳа, шаҳар ва қишлоқларимизнинг чиройи худди ёш келинлардек кун сайин очилмоқда. Узоққа бориб ўтирмайлик, фақат шу кейинги бир-икки йил ичида шаҳар ва қишлоқларимизда қанчадан-қанча янги кварталлар қад кўтарди, қанчадан-қанча янги кўчалар, хиёбонлар барпо этилди. Асрлар бўйи қақраб ётган кўҳна Мирзачўл бағрида ўз жамолини кўз-кўз қилиб Янгиер қад кўтарди, шахтёрлар ва энергетиклар шаҳри — Катта Оҳангарон ҳам кун сайин ўсмоқда, улғаймоқда.

Пахлавон етти йиллигимизнинг улкан қурилишларини айтмайсизми. Ҳали яқиндагина Янгийўлда Ўрта Осиёдаги энг йирик гидролиз заводи, Ялангочда ғишт ва говоқ блоклар заводи, Тошкентда ипак комбинати ва яна қанчадан-қанча корхоналар ишга тушди. Бу корхоналар кучимизга куч, бойлигимизга-бойлик, шуҳратимизга-шуҳрат қўшаяпти. Хуллас, Ватанимиз бепоён ерларининг ҳамма жойида катта қурилиш ишлари олиб борилаётир. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳаёлан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, юракларимиз қувонч тўлқинларига лиммо-лим тўлади.

Гигант иншоотлар ҳам, қудратли корхоналар ҳам, кўркам шаҳарчалар ҳам — буларнинг барчаси фидокор ва жонкуяр бинокорларимизнинг меҳнати билан бунёд этилаяпти. Бинокор бизда энг фахрли ва оммавий касблардан биридир. Шу сабабли ҳам бугун қурилиш индустриясининг кўп миллионли армияси билан биргаликда мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари Бинокорлар кунини зўр хурсандчилик билан байрам қиладилар.

Бутун мамлакатимиздаги каби областимизда ҳам қурилиш ишлари йил сайин кенг қулоч ёймоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида областимизда уй-жой қурилиши учун 1958 йилнинг шу давридагига нисбатан 11 процент кўп капитал маблағ сарфланди. Областимиз меҳнаткашлари 139 минг квадрат метр уй-жой майдони олдилар. Пойтахтимиз меҳнаткашлари эса ўтган йилнинг худди шу давридагига қараганда 2,4 баравар кўп турар-жой бинолари олдилар. Капитал қурилиши ҳам тобора кенг қулоч ёймоқда.

Областимиз бинокорлари ўзларининг традицион байрамларини ишлаб чиқаришда муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар. Кўпгина қурилиш ташкилотлари байрам арафасида 7 ойлик топшириқларини ортиғи билан бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Жумладан, энг йирик қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланган «Ўзбекшахтострой» трестининг меҳнатсевар коллективи 7 ойлик планни 105 процентдан ортиқроқ қилиб бажарди.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, қурилиш индустрияси ҳали ҳам халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан қолоқ участкалардан бири бўлиб қолмоқда. Бир қатор қурилиш ташкилотларида меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга етарли эътибор берилмаётганлиги, мавжуд механизм ва асбоб-ускуналардан кўнгилдагидек фойдаланилмаётганлиги сабабли белгиланган топшириқлар муттасил бажарилмаётир. Масалан, 6 ой мобайнида Тошкент шаҳрида капитал маблағ сарфлаш плани 80 процент бажарилди, холос. Қурилиш-монтаж ишлари бўйича белгиланган топшириқ эса бор-йўғи 78 процент бажарилди. Бу шунинг оқибатида юз бермоқдаки, шаҳардаги асосий объектларда иш олиб бораётган 159 ҳамда 153-трест раҳбарлари бинокорлик ишларида йиғма темир-бетон деталларини қўлланишга ҳали ҳам етарли эътибор бермаётирлар.

Социалистик экономикамизнинг тез суръат билан ривожланиб бораётганлиги ўз навбатида шонли бинокорларимиз зиммасига ғоят катта ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Етти йиллик топшириқларининг муваффақият билан бажарилиши кўп жиҳатдан ана шу касб эгаларининг қўл-ғайратига боғлиқдир. Янги корхоналар, янги иншоотлар қанчалик тез ишга тушса, халқ хўжалигимиз ҳам шунчалик тез суръат билан ривожланиб боради. Бинокорларимиз қурилиш ишларини янада кенг миқёсда индустриалаштиришлари, йирик панеллардан ва блоклардан имкони борича кўпроқ фойдаланишлари лозим.

Қурилиш индустриясини янада ривожлантириш манфаатлари бинокорлик саноати ҳамда лойиҳалаш ташкилотлари ишларини тубдан яхшилашни талаб этади. Янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш процессларини, даставвал кўп меҳнат талаб этадиган ишларни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш — бинокорлик саноати корхоналари коллективларининг шарафли бурчидир. Лойиҳалаш ташкилотлари янги-новой проектларни янада кўпайтиришлари, уларда маҳаллий бинокорлик материалларидан фойдаланишни тағин ҳам кенгайтиришлари лозим.

200 минг тонна силос тайёр!

Областимизнинг илғор колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш мақсадида чорва моллари учун силос бостиришни оммавий равишда қизитиб юбордилар. Шу кунга қадар область бўйича 200 минг тоннадан ортиқроқ маккажўхори ва бошқа ем-хашакдан силос бостирилди. Қуйи Чирчиқ райони 26167 тонна силос бостириб, планни 105,2 процентга етказиб бажарди. Юқори Чирчиқ ва Гулистон районлари ҳамда Янгиер шаҳри ҳам силос бостириш планини бажариш арафасида турибди. Оққўрғон, Боёвут, Бўка ва Янгийўл районларининг колхоз ҳамда совхозлари силос бостиришни кенг қизитиб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажараётирлар.

Шу билан бирга Бекобод, Бўстонлиқ, Оржоникидзе, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Сирдарё ва Чиноз районлари, Олмалиқ ҳамда Оҳангарон шаҳарлари маккажўхоридан силос бостиришда анча орқада қолмоқдалар. Калинин ва Қорасув районларининг колхоз ҳамда совхозларида бу жуда муҳим иш мутлақо қониқарсиз уюштирилган.

Пахтани машина билан теришга пухта тайёрланайлик!

Мавсумда 100 тонна пахта териш мажбуриятини олган механизатор Турсуной Охунованинг ватанпарварлик ташаббусини кенг оммалаштирайлик!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Эллик центнерчилар даласида

Областимиз пахта далаларида ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта ҳосили етиштириб, партиямизнинг навбатдаги Пленумини ёруғ юз билан кутиб олиш учун курашаётган бригадалар жуда кўп. Сирдарё районидаги «Социализм» совхозининг 1-бўлимидаги Ўртоқ Қудрат Хожиев бошчилик қилаётган бригада ишчилари шундай аҳд қилган кишилардандирлар.

Ўтган йили бу бригадада 85 гектар янги ўзлаштирилган ердан 28 центнердан пахта ҳосили етиштирилган эди. Бригада аъзолари бу йил ҳам 85 гектар ерга чигит экишиб, ҳосилдорликни 50 центнерга кўтариш мажбуриятини олдилар. 60 гектар ернинг чигити квадрат-уялаб жойлаштирилди. Ғўза парваришидаги асосий ишларнинг ҳаммаси механизация ёрдамида бажарилди. Натижада ғўза парвариши бригада аъзоларини шошириб қўймай, ҳар бир иш ўз вақтида сифатли ўтказилди.

Бригада аъзолари августда ҳам ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар. Айниқса суғоришга катта эътибор берилаётир. Бунда ҳар бир картанинг сувга бўлган эҳтиёжи тўла ҳисобга олинмоқда. Бригаданинг Малика Эгамқулова, Лола Қобилова сингари аъзолари культивация олдидан ўқариқларни бузиш, илгари қўл урилмай қолган айрим ғўзаларнинг ёншохларини чеканка қилиш нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Бўлимнинг бошқа бригадаларида ҳам эллик центнерчилар ҳаракати кучайиб кетди. Ўтган йили бўлим пахтакорлари 580 гектар ердан 24 центнердан пахта ҳосили етиштиришиб, йиллик планни 115 процент қилиб бажарган эдилар. Улар бу йил 630 гектар майдондан 30 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида меҳнат қилаётирлар.

У. МАМАСОЛИЕВ.

Гаганова—Ғанишер ташаббусига қўшилдилар

Ўрта Чирчиқ районида Гаганова—Ғанишер бошлаган ватанпарварлик ташаббуси кенг-қулоч ёйди. Шу кунларда илғор участка раҳбарларининг кўпчилиги қолоқ участкаларга ўтиб ишлаш истагини билдираяптилар. Яқинда Ўртасарой қишлоқ советининг раиси коммунист Ўртоқ Эргашев Свердлов номли колхознинг қолоқ бригадаларидан бирига бориб ишлашни истаб ариза берди.

Район раҳбарлари Ўртоқ Эргашевнинг аризасини инобатга олдилар. У қолоқ бригадага бориб ғўза парваришида йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш йўлларини ўрганиб чиқди. Ишчи кучлари, техника тўла ишга солиниб, улардан унумли фойдаланишга эришилди. Пахтакорлар орасида оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилди. Уларнинг ишлаши, дам олиши учун қулай шароитлар вужудга келтирилди.

Ишнинг кўзини билган раҳбар томонидан кўрилган тадбирлар тезда ўз самарасини берди. Шу кунларда қолоқ ғўзалар яхши ғўзалар даражасига етказилди.

Х. ЙЎЛДОШЕВ.

ОЧИҚ ХАТ

Чақириғингизни қабул қилдим, Турсуной

Ҳурматли Турсуной Охунова!

Кеча газетада босилган мажбуриятингизни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим ва чақириғингизни бажонидил қабул қилиб, Сиз билан мусобақалашишга қатъий аҳд қилдим.

Турсуной! Сиз мавсумда 100 тонна пахта теришга сўз бериб, жуда ажойиб ташаббусни бошлабсиз. Бу ташаббусингиз бизнинг колхоз механизаторларини ҳам ғоятда руҳлантирди. Мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ижодий меҳнат қизғин тус олган, ҳамма КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган бир пайтда биз механизаторларнинг ана шундай ташаббус билан чиқишимиз ғоятда муҳимдир. Ахир бу йил республикамиз пахтакорлари ҳосилнинг анчагина қисмини машинада териб олишга аҳд қилиб, бунга катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Шундай бўлгандан кейин биз, механизаторлар ҳосилни машинада териб олиш юзасидан белгиланган топшириқнинг сўзсиз бажарилиши учун ўзимизнинг бутун куч ва ғайратимизни сарф қилишимиз керак. Сиз ўзбек хотин-қизларидаги механизатор кадрлар ўқадар кўп эмаслигини назарда тутиб, мавсум бошлангунига қадар ўзбек қизларидан иккитасини пахта териш машиналарини бемалол бошқара оладиган қилиб ўргатмоқчи бўлиб, жуда хайрли ишга бел боғлабсиз. Бунга чин кўнгилдан ташаккуримиз.

Бизнинг сафларимизга Сиз сингари эпчил ва уддабурро механизатор қизларнинг келиб қўшилиши ишимизни янада олға бостиришга ишончимиз комил.

Мусобақадош ҳамкасбим сифатида мен ҳам Сизга қилаётган ишларим тўғрисида ҳисоб бериб ўтишни истар эдим.

Мен 1949 йилдан буён пахта териш машинасида ишлаб келамаман. Машинанинг афзаллиги кўп, пухта созланиб моҳирлик билан ишлатилса, у билан кўп пахта терилиш мумкинлигини тажрибада синаб келмоқдаман. Ўтган йилнинг баҳорида тюпкочилар ҳаракатига қўшилиб, трактор-далачилик звеносига бошчилик қилган эдим, оз киши техниканинг кучидан фойдаланиб, 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топширишга муваффақ бўлдик. Бу йил ҳам колхознинг ўртоқ Турдиали Ражабов бошлиқ бригадасида тюпкочи звенога бошчилик қилмоқдаман. Биз беш киши 40 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганмиз.

Чигитни ҳам ўзим квадрат-уялаб экдим. Ҳозиргача барча майдонлари ғўзаларимиз ўртт марта узунасига, уч марта кўндалангига культивациядан чиқарилди. Суғориш, озиқлантириш ишларини ҳам ғоят эҳтиётлик билан ўтказиб, ғўзамизни машина теримига боп қилиб ўстирмоқдамиз. Август ойи ичида яна бир марта узунасига культивация ўтказамиз, бир марта сув берамиз. Звенолиз аъзолари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун август ойи тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашмоқдалар. Шуни эътироф қилишим керакки, ўтган йили ғўзаларимизнинг бўйи ўсиб кетиб, пахтани машинада териш топширигини бажаролмаган эдик. Бу йил эса ғўзанинг бўйи 70 сантиметрга етиб, пахтани машинада теришга қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Ўнта мавжуд СХМ-48 машинаси ремонтдан чиқариб қўйилган. Пахтаси машинада териш учун ажратилган майдонлар алоҳида парвариш қилинмоқда. Мен фақатгина ўз звеномнинг ишлари билан ўралашиб қолмасдан, техника ремонтини сифатли ўтказиш, ғўза парваришини теримга мослаб ўтказишда қўшни бригадаларга ҳам қўлимдан келган ёрдамимни бериб турибман. Қўсак чувиш машиналари ҳам ремонтдан чиқарилиб тахт қилиб қўйилди.

Ажратилган майдонлардаги ғўзаларнинг баргини ўз вақтида ва сифатли тўкиш машина теримининг муваффақиятини таъминловчи тадбирлардан бири эканлигини биламиз. Шуни ҳисобга олиб биз белгиланган муддатдан бошлаб, ғўзалнинг баргини тўкишга киришамиз. Шундан кейин эса машина кирадиган ва чиқадиган ерларни тайёрлаб қўйишга киришамиз. Агар бу ишни олдин бажарадиган бўлсак, баъзибир хом, ҳали пишиб етилмаган ғўза шохлари нобуд бўлиши мумкин. Пахтани ташиш, бункерлардан ерга тўкиш вақтида ишлатиладиган қоп-қанор, шолчаларни эса тахт қилиб қўйганмиз.

Ҳурматли Турсуной Охунова! Ҳозир ғўза парваришида ҳал қилувчи кунлар ўтиб бормоқда. Август ойида ҳосилга ҳосил қўшишни давом эттириб, ғўза парваришини сифатли ўтказишнига ҳисса қўшиш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишимиз талаб қилинади. Мен мусобақадош сифатида Сизга шу нарсаларни айтиб ўтмоқчиман: Сиз пахта териш машинасини ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйган экансиз, эндиликда бундан буён кўпроқ далада бўлиб, пахта терими учун ажратилган ерлардаги ғўзаларни машинабоп бўлиб ўсишини кузатиб боринг. Бу соҳада колхоз аъзоларига ёрдам беринг. Шуада ишимиз олға юришади.

Мен Сизни ишонтириб айтаманки, СХМ-48М машинаси билан мавсумда 105 тонна пахта териш юзасидан олган мажбуриятимни шараф билан бажаришга, областимиз пахтакорларининг мамлакатга 460 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, Тошкент областининг илгариги шуҳратини кўтариш учун олиб бораётган курашларига муносиб ҳисса қўшишга сўз бераман.

Сизга салом ва эҳтиром билан:

Эргаш РАЙИМҚУЛОВ,
Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг механизатори.

45 центнердан ҳосил етиштирамиз

Бригадамиз аъзолари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун маҳкам бел боғлаганлар. Биз ўз зиммамизга ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдик. Областимизда Ғанишер Юнусов бошлаган ташаббус авж олиб кетгандан кейин илгариги мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик ва ҳосилдорликни 45 центнерга кўтаришга аҳд қилдик.

Бу қадар мўл ҳосил етиштириш ўнгай иш эмас, албатта. Аммо бригадамизда имконият катта. Кучимиз етарли, тракторларимиз бетўхтов ишлаб турибди. Бригадамизга бириктилган 95 гектар майдондаги ғўзанинг ҳаммасини кетмонсиз парвариш қилмоқдамиз. Натижада ғўза парваришига сарфланаётган меҳнат ўтган йилдагига нисбатан беқиёс камайиб бораётир. Бу йил 40 гектар майдонда етиштирилган пахта ҳосилини машинада териб олмоқчимиз. Ана шу мақсадда ғўзани яхши парвариш қилиб, чеканкани 19 июлдаёқ тамомладик.

Яқинда бригадиримиз Жалолхон ака Латипов ҳаммамизни йиғиб, бундан буён қилинадиган ишларни гапириб берди. Агар август ойида ҳам ғўза парваришини илгаригидек давом эттираверсак, деди у, ҳар гектар ердан 40 эмас, балки 45 центнердан ҳосил олишимиз мумкин.

Биз бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб областимизнинг илгариги шуҳратини қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшамиз, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига ёруғ юз билан борамиз.

Абдуазим АЛИБЕКОВ.
Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг 7-бригада аъзоси.

Мусобақа кенг қулоч ёйди

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, ғўза парваришини кучайтириб юбордилар. Улар июль ойида дала ишларини яхши уюштиришиб, мўл ҳосил тўплаган эдилар.

Шу кунларда колхознинг М. Мусабоев, Р. Раҳмонов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида ҳосилга-ҳосил қўшиш тадбирлари уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Бригадаларнинг пахта далаларида чеканка тугалланди. Энди пахтакорлар суғориш, культивация қилиш ва бегона ўтларни юлиш каби ишларни аҳиллик билан ўтказаётирлар.

Колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ғафур Қодиров бошчилик қилаётган бригадасида айниқса ғўза парвариши сифатли ўтаётир. Бригадада ўртоқ Пўлат Каримов бошлиқ тюпкочи звено ташкил қилинган. Ҳозир бу звено ғўзаларида 12 — 14 тадан тўқ кўсак санаш мумкин. Звено аъзолари ўзларига бириктилган 18 гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш ниятида астойдил ишлашяпти.

А. ҚАЮМОВ,
Н. ҚАЮМОВ.



Кечаги бўм-бўш Чиланзорнинг кўрки бугун ана шундай. Етти йилликнинг охирига борib бу ерда 80 минг аҳоли яшайди.

И. Глауберзон фотоси.

БУГУН БИНОКОРЛАР КУНИ

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРАЙЛИК!

☆

Салом, бинокор!

Салом, азиз дўстим бинокор,
Сенга дилдан ташаккурим бор.
Хузурингда бўлганда меҳмон
Қоплаб олар мени ҳаяжон.
Шарафлидир босган йўлларинг,
Ишга солсанг қадоқ қўлларинг
Кранларда мотор гуруллар,
Худди қалбинг каби жўш урар.
Яйдоқ ерда қотиб пойдевор,
Деворларга уланар девор.
Турар-жойлар юксалиб кўкка,
Кўркамлашар жонажон ўлка.
Зиналардан довон ошаман,
Хоналарни кўриб тошаман.
Кўз олдимда жонланар шу чоқ
Қанча обод шаҳар ва қишлоқ,
Қанча завод ва фабрикалар
Юрак ўтинг билан тикланар.
Йиллар ўтиб бу ишоотлар
Рамзида халқ номингни ёдлар.
Салом, азиз дўстим бинокор,
Сенга дилдан ташаккурим бор.
Хузурингда бўлганда меҳмон
Қоплаб олар мени ҳаяжон.

С. ҚУҚОНБЕКОВ.

Муносиб совға

Оҳангарондаги «Ўзбекшахтострой» трестининг коллективи етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, катта муваффақиятларни қўлга киритаётир. Бинокорлар шу йилнинг биринчи ярим йиллик топшириғини 107 процент, июль ой планини 103,2 процент бажардилар. Бунга қурилиш ишларида индустриал методларни кенг қўлланиш, темир-бетон конструкцияларидан фойдаланиш, қурилиш участкаларида меҳнатни яхши ташкил этиш натижасида эришилди.

2-қурилиш бошқармасида механизмлардан унумли фойдаланиш эвазига бинокорлик ишлари харажатлари камайтирилмоқда. Шу йилнинг етти ойида 200 минг сўмликдан ортиқроқ давлат маблағи тежаб қолинди.

И. Аҳмедов.

Чўлни ўзлаштираётганлар муваффақияти

Жанубий Мирзачўл канали қурилишини олиб бораётган механизаторлар Бинокорлар кунини муносиб нишонламоқдалар. Улар экскаваторлардан ва бошқа машина ҳамда механизмлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш натижасида шу йилнинг етти ойлик планига қўшимча равишда 80 минг кубометр ҳажмдаги тупроқ ишларини бажардилар.

Коммунист, донгдор экскаваторчи Владимир Коннов раҳбарлик қилаётган экипаж аъзолари ўзаро мусобақада юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар ўтган ойларда пландан ташқари ўнларча минг кубометр тупроқни канал трассасидан қазиб чиқардилар.

«Янгиерводстрой» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи ҳам меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришаётир. Бошқарма бинокорлари янги ўқув йили бошланиши олдидан типовой ўрта мактаб биносини фойдаланишга топширдилар. «Фарҳод» совхозининг 3-бўлими посёлкасида қурилган бу мактаб 350 ўқувчига мўлжаллангандир.

Суратда: (чапдан) Ново-Москва массивидаги уй-жой бинолари қурилишида фидокорона ишлаётган ёш ишчи Мария Шиманюк. 153-қурилиш трести 3-участкасининг пешқадам бетончилари Ҳамид Зайнитдинов ва Темур Абдураҳимов ўртоқлар. Ўз касбини пухта эгаллаган бу илғорлар топшириқни 150-180 процент қилиб адо этмоқдалар.

М. Нуритдинов фотолари.

Ижодий меҳнат кишиси

Бу йил бошқармамиз коллективи олдида катта вазифалар турибди. Биз тобора кенгайиб бораётган қурилишларга 53 миллион дона пишиқ ғишт етказиб беришимиз керак. Бу топшириқни бажаришга корхонамизнинг ижодий меҳнат кишилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар томонидан тушаётган ва амалга оширилаётган новаторлик таклифлари ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, иш шароитини қулайлаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бераётир.

Слесарь Валентин Фёдорович Холодов толмас рационализаторлардан ҳисобланади. У, ўзининг муҳим ихтирочилик таклифлари билан корхонамизга катта фойда келтирмоқда. Коммунист Валентин Фёдорович яқинда хом ғиштни қуритиш тоннелига узатишни механизациялаш имконини берадиган ажойиб мослама — толкатель ихтиро қилди. Бу механизм шу вақтгача биз фойдаланиб келаётган шундай асбобларга нисбатан жуда кўп афзалликларга эга. Ундан фойдаланиш ҳар йили жуда кўп миқдорда электр қувватини иқтисод қилиш ва маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради. Бу толкатель бирўла 10 тагача бўлган вагонеткани ҳеч қандай энергия сарф қилмасдан тоннелга узатиб бера олади.

Механизм жуда содда тузилган. Уни арзимаган маблағ сарфлаш билан ясаш мумкин. Бу асбобдан фойдаланиш ҳар йили заводга 60 минг сўмга яқин фойда келтиради.

Тажрибали слесарь коммунист ўртоқ Холодовнинг бу қиммати таклифи муносиб тақдирланди. Новаторга 1,5 минг сўм пул мукофоти берилди ҳамда ташаккур эълон қилинди.

А. САРИМСОҚОВ,
Калинин районидаги 7-ғишт заводлари бошқармасининг ишчиси.

Якка тартибда уй қурувчилар учун

Моддий ва маданий турмуш шароити тобора ортиб бораётган меҳнаткашларимиз ўз маблағлари ҳисобига ва давлат ёрдамида қўплаб якка тартибда уй-жой бинолари қуриб олаётирлар. Бундай оилаларга зарур бўлган бинокорлик материаллари етказиб берадиган бир қанча складлар ташкил этилган. Уларнинг бири — «Салардесторг» склади коллективи аҳоли эҳтиёжлари учун турли хил материаллар тайёрлашни тобора кўпайтирмоқда.

Бу ерда яқинда эшик, рама ва бошқа хил қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган махсус цех ташкил этилди. Цехдаги барча иш процесслари механизациялашган. Унда пармалаш, қирқиш, рандалаш станоклари ишлаб турибди.

Складда йиғма уйлар сотиш ҳам йўлга қўйилди. Биргина июль ойининг ўзида бундай йиғма уйлардан 50 га яқини харид қилинди. Склад коллективи йил охиригача яна ками билан 300 та шундай тайёр йиғма уйлар сотишни мўлжаллаётир.

БИНОКОР-ОЛИМ

Ҳали ёш, эндигина қишлоқдан шаҳардаги интернат-мактабига ўқишга келган Аббос қурилиш ишларига жуда қизиқар, расм дарсида кўпинча кўпқаватли уйлар суратини чизиб, завқланарди. Тарбиячи Владимир Петрович Чернов кунларнинг бирида мактаб-интернатида қурилаётган бинода усталарга ёрдамлашаётган 15 ёшлик Аббосни ёнига чақириб:

— Ўғлим, қурувчи бўлишни истайсанми ?—деб сўради. Аббоснинг «ҳа» деган жавоби ва севинчга тўла кўзларига тикилар экан, тарбиячи унга:

— Истасанг албатта бинокор бўласан, — деди ва уни Тошкентдаги кечки ишчилар политехникумининг бинокорлик бўлимига ўқишга киришга ундади. Аббос кечки техникумда ўқиш билан бир вақтда «Ташсельмаш» заводининг қурилишида бетон қуювчилар бригадасига шогирд бўлиб ишга кирди. Тиришқоқ ва меҳнатсевар йигит ўқиш ва ишда бўлган барча қийинчиликларни сабот ва чидам билан енгиб борди. У техникумни 1933 йилда имтиёзли диплом билан тугатди. Аббоснинг мустақил иши ана шу йилдан бошланди. У, Тошкентдаги йирик қурилишларда прораб, бош прораб вазифаларида ишлади, меҳнатда ўсди ва улгайди. Шу билан бирга у Ўрта Осиё политехника институтининг кечки бўлимида ўқишни ҳам давом эттирди. Тажриба билан назарияни бирга олиб бориш унга келажакда янги кашфиётлар очишга ёрдам берди. Ёш мутахассис иштирок этган катта қурилишлардан бири Ўзбекистон металлургия заводи бўлди. У, бу қурилишда участка бош инженери сифатида иштирок этди.

А. Ашрапов бинокорликда бирқанча янгиликлар ихтиро қилади. У, танқис қурилиш материалларни тежаш мақсадида уй-жой бинолари томларини ёғочсиз маҳаллий материаллардан, яъни юпқа ғишт

СССР Қурилиш ва архитектура академиясининг корреспондент аъзоси
А. АШРАПОВ

——☆ ☆——

билан хиёбан усулида ёпишни қурилишга татбиқ этди. 1944 йилда Аббос Ашраповнинг «Ёғочсиз томлар» деган китоби босилиб чиқди. У, ўз устида тинмай ишлаши, фан янгиликларини изчиллик билан кузатиб бориши натижасида 1948 йилда биринчи бўлиб бинокорлик соҳасида техника фанлари кандидати унвонини олди. Илмий советда ҳозир бўлган олимлар А. Ашраповнинг илмий иши қурилиш соҳасидаги янгиликларидан бири бўлиб, у қурилиш индустриямиз учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар. А. Ашрапов кейинги вақтларда Ўрта Осиё политехника институтида «Инженерлик конструкцияси» кафедрасининг мудири бўлиб ишлаб келмоқда. Бинокор-олим қурилиш индустрияси соҳасида бир қанча илмий асарлар яратди. Жумладан у «Уй-жой қурилишини индустрлаш» ва «Ўзбекистоннинг бинокор халқ усталари» деган китобларнинг авторидир. У бинокорлик соҳасида 20 дан ортиқ асар ёзди. А. Ашрапов 1957 йилдан бери СССР Қурилиш ва архитектура академиясининг корреспондент аъзоси. Бинокор-олим кейинги йилларда силикат таъсирига бардош бераоладиган маҳаллий материаллардан енгил бетонлар яратиш устида ишлади ва бу соҳада Бутуниттифоқ аҳамиятига эга бўлган илмий асарлар яратди. Унинг 1958 йилда босилиб чиққан монографияси бинокорлик саноатини ривожлантиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Кейинги вақтларда А. Ашрапов профессор И. Иванов-Дятлов раҳбарлигида техника фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун Ватанимизнинг Москва ва Сталинград шаҳарларидаги энг йирик темирбетон заводларида илмий-текшириш ишлари олиб борди. Бу илмий ишлар натижаси муваффақиятли якунланди.

Камтар, меҳнаткаш, интернат-мактаб қучоғидан чиққан биринчи ўзбек бинокор олими Аббос Ашраповга илмий ишлар соҳасида янги муваффақиятлар тилаймиз.

Х. ШАРИПОВ.

46 миллион гектар ердаги ғалла ўриб олинди

Июль ойида ва август ойининг бошларида ҳавонинг узоқ вақт иссиқ бўлиб турганлиги экинларнинг ривожланишини тезлаштирди. Совет Иттифоқининг ҳамма республикаларида ўрим-йиғим ишлари олиб борилмоқда. 5 августгача 46 миллион гектардан ортиқ ердаги донли ва дуккакли экинлар ўриб-йиғиб олинди, бу миқдор ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 6 миллион 390 минг гектар кўпроқдир.

Колхоз далаларида бутун ғалла ҳосилининг деярлик ярми қисми ўриб-йиғиб олинди. Мамлакатнинг жанубида ғалла ўриб олиниши билан бирга унинг кўп қисми янчилди ва омборларга ташиб қўйилди.

Бу йил марказий районлар ўрим-йиғимни одатдагидан эрта муддатларда тугалламоқдалар. Бу ерда баҳори ғалла ҳам пишиб етилди.

Қозоғистоннинг шимолида ва Ғарбий Сибирда ўрим йиғимнинг қизғин даври бошланмоқда. Ҳозирги вақтда бу ердаги кўп районларда арпа ва сули ўрилмоқда. Шарқий ғалла маконининг асосий экини бўлган баҳори буғдой пишиб етилмоқда.

Узун толали зиғир одатдагидан эрта пишиб етилди. Ҳозирдаёқ 600 минг гектардан ортиқ ердаги зиғир ҳосили йиғиб олинди, бу эса ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан уч ярим баравардан кўпдир.

Украинада, Шимолий Кавказда, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларида анча массивлардаги маккажўхори думбул бўлиб қолди. Мамлакатнинг марказий районларида маккажўхори гуллади.

Ўрта Осиё республикаларида ҳавонинг иссиқлиги 30—35 даражага етмоқда. Бу ерда ғўзалар яхши ривожланмоқда. Пахта етиштирилаётган энг жанубий районларда дастлабки кўсаклар очилди.

* * *

Мамлакат далаларида келгуси йил ҳосили учун замин тайёрлаш ишлари авж олдирилмоқда. Ҳозирдаёқ уч ярим миллион гектарга яқин ер шудгор қилинди. Мамлакатнинг шимолида, Уралда, Поволжьенинг бир қанча районларида кузги экинлар экишга киришилди. (ТАСС).

СТАЛИНГРАД ГЭСИНИНГ ОЛТИНЧИ АГРЕГАТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

ВОЛЖСКИЙ (Сталинград области), 7 август. (ТАСС). Сталинград ГЭСининг қурувчилари ишлаб чиқаришда яна бир ғалабага эришдилар: Бугун кечқурун 115 минг киловатт қувватли олтинчи гидроагрегат синаб кўриш учун ишга туширилди. Бу агрегат муддатидан бир йил илгари монтаж қилиниб бўлди. Уни тайёрлашда монтажчилардан А. Тихашков, В. Витальев, М. Гаврилов, В. Родичев, ака-ука А. ва Н. Дзюндзиклар, А. Коптяев ва бошқалар айниқса ўрнак кўрсатдилар.

Сталинград гидростанция қурувчилари етти йилликнинг биринчи йилида илгари мўлжалланганича бешта агрегатни эмас, балки тўқизта агрегатни ишга тушириш учун курашмоқдалар.

Қозоғистон ССР гўшт, тухум ва қоракўл тери харид қилиш йиллик планини муддатидан илгари бажарди

Қозоғистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун кураша бориб, гўшт, тухум ва қоракўл тери сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Республикада 440,3 минг тонна гўшт (тирик вазнда) харид қилинди, бу эса йиллик планга нисбатан 101,0 процентни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврида харид қилинган миқдорга нисбатан 3,5 баравар ва бутун 1958 йилдагига нисбатан 54,8 минг тонна ортиқдир.

Шу билан бирга республиканинг колхоз ва совхозлари чорва моллари сонининг янада ўсишини таъминладилар. Шу йилнинг олти ойи мобайнида йирик қорамол сони 13 процент, чўчқалар сони 21 процент ва қўйлар сони 13 процент кўпайди.

Область колхоз ва совхозларида чеканканинг бориши тўғрисида 1959 йил 8 августгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Районлар	Ҳаммаси бўлиб
Боёвут	100.0	Янгийўл	98.0
Қуйи Чирчиқ	100.0	Гулистон	97.8
Урта Чирчиқ	99.8	Оққўрғон	97.4
Сирдарё	99.3	Бўка	96.6
Юқори Чирчиқ	98.1	Оржоникидзе	92.0
Бекобод	98.0	Пискент	89.5

Область колхоз ва совхозларида силос бостиришнинг бориши тўғрисида 1959 йил 8 августгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Районлар	Ҳаммаси бўлиб
Қуйи Чирчиқ	105.2	Урта Чирчиқ	48,6
Гулистон	84.3	Сирдарё	47.8
Юқори Чирчиқ	80.5	Оржоникидзе	45.0
Янгиер шаҳри	74.8	Бекобод	43.0
Бўка	73.6	Чиноз	33.2
Боёвут	61.5	Қорасув	25.7
Оққўрғон	61.3	Калинин	22.1
Янгийўл	60.0	Олмалиқ шаҳри	19.7
Бўстонлиқ	55.0	Оҳангарон	18.2

Биз Олмалиқ бинокорларидан нималарни ўргандик

Етти йилликда Чирчиқ бинокорлари катта ишларни амалга оширишлари лозим. Бу ерда жуда кўп уй-жой, маданий-маиший муассасалар бинолари қад кўтаради, мавжуд саноат корхоналари реконструкция қилинади, шунингдек янги саноат объектлари ишга туширилади. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун астойдил курашаётган бинокорларимиз илғор иш методларини қўлланиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш масалаларига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Шу муносабат билан бинокорлар областимизнинг бошқа шаҳарларидаги қурилиш ташкилотлари коллективлари билан узвий алоқа боғлаб, уларнинг прогрессив иш методларини ўрганмоқдалар ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилмоқдалар.

Яқинда 160-қурилиш трестининг партия, хўжалик ва инженер-техник ходимлари ҳамда ишчилардан иборат бир группа бинокорлари республикамизнинг пешқадам бинокорлик трести ҳисобланган «Алмаликсвинецстрой» трести коллективининг фаолияти билан танишиш учун Олмалиққа бордилар. Биз бу ерда диққатга сазовор бўлган, аммо шу вақтгача бизда қўлланилмаётган жуда кўп фойдали нарсаларни кўрдик.

Саралаш фабрикаси қурилиши Олмалиқ бинокорлари олиб бораётган йирик объектлардан бири ҳисобланади. Бу ерда меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш, прогрессив иш методларини қўлланишга катта эътибор берилаётир. Бизни саноат объектлари қурилишида фойдаланилаётган консоль ҳавоза қизиқтирди. Бундай металл ҳавозалар бир қанча айрим-айрим деталлардан ташкил топган. Унинг учбурчаксимон металлдан қилинган илмоғи зарур бўлган баландликдаги темир-бетон колонкасига мустаҳкамлаб қўйилади. Бир қанча шундай деталлар ишчилар турадиган рама учун таянч вазифасини ўтайди. Зарур бўлиб қолганда, бу илмоқлар юқорироқ кўтариб қўйилиши ёки пастроқ ўрнатилиши мумкин. Агар ғишт териш ёки суваш ишлари иккинчи қаватда олиб борилаётган бўлса, ҳавозанинг пастки комплекти кўчирилиб, учинчи қаватга ўрнатилади.

Қурилиш ишларида бундай ҳавозалардан кенг фойдаланиш Олмалиқ бинокорларига катта фойда келтираётир. Айниқса, кўплаб тахта иқтисод қилинмоқда. Ҳавозалар ўрнатиш учун кетадиган вақт минимумгача қисқарди. Бунинг учун сарфланадиган меҳнат ҳам камайди.

Қайси бир объектга борманг, ҳамма жойда қурилишга хўжалик кўзи билан қараётганлигини учратасиз. Бу ерда бошқа жойларда одат тусига кириб қолгандек, бинокорлик материаллари ва бошқа зарур нарсалар пала-партиш, очиқ ҳавода уюлиб ётмайди. Ҳамма нарса жой-жойига тахлаб қўйилган.

Чирчиқ қурилишларида бошқача манзарани кўрасиз. Бу ерларда ҳавозалар ясаш учун жуда кўп миқдорда юқори сифатли тахта ва ёғоч материаллар сарф қилинади. Иш тугагандан сўнг бундай ҳавозалар қайта фойдаланилмай, ҳисобдан чиқарилади. Бу эса қурилиш ишлари харажатларининг ошиб кетишига, қимматли бинокорлик материали — тахтанинг кўплаб ортиқча сарфланишига сабаб бўлмоқда. Олмалиқда эса бундай камчиликлар тўла бартараф этилган. Чунончи, тахта ҳавозаларининг четига металл ўрнатилган, ёғочлар эса алифланиб турилади. Бу ерда худди шундай усулда кўчма чойхоналар, қизил бурчаклар қурилган. Зарур бўлганда, бу бинолар янги жойга ўнгайлик билан кўчириб ўрнатила беради.

Олмалиқ қурилишларида инвентарь хўжалиги кенг ривожланган. Бу эса турли хил ёрдамчи ишларни қатъий камайтириш имконини берадиган. Бинокорларнинг транспорт қатнайдиган катта-кичик йўлларни яхши аҳволда сақлашлари ҳам диққатга сазовордир. Бу ердаги барча йўлларга асфальт ёки бетон ётқизилган. Бу бинокорлик материалларни ташишда фойдаланилаётган транспорт воситаларининг бир меёрда ишлашини таъминламоқда.

Олмалиқ бинокорлари кўп меҳнат талаб қиладиган оғир иш процессларини механизациялаш соҳасида ҳам бошқаларга ўрнак бўларли ишлар қилмоқдалар. Бетон ётқизишда 20 кубометр ҳажмли бетон насосларидан муваффақиятли фойдаланилаётир. Ғишт ва бошқа материаллар иш жойларига транспортёрлар ёрдами билан етказиб берилади, ҳатто ғиштни теришга тайёрлаш, ётқизилган бетонларга сув сепиш ишлари ҳам механизациялашган. Бунда бинокорларнинг ўзлари ихтиро қилган кўчма суғориш машиналаридан фойдаланилаётир. Бу механизм жуда оддий тузилган: унинг сув отилиб чиқадиган трубаси хоҳлаган йўналишда айлана беради. Ундан чиққан сув эса 8—10 метр атрофга сочилиб туради. Бу машинани қўлланиш ҳар бир объектда бир қанча ишчиларни юқоридаги ишни бажаришдан озод қилиш имконини беради.

Бу ерда комплекс қурилиш бригадалари ташкил этишда катта ишлар қилинди. Ҳар бир қурилиш бошқармасида шундай бригадалар бор. Меҳнатни ташкил этишдаги бу прогрессив усул қурилиш ишлари суръатини тезлаштириш, кўплаб бинокорлик материалларини тежаб қолишга ёрдам бермоқда. Бунга 3- қурилиш бошқармасининг ўртоқ Пашченский бошчилигидаги комплекс бригада фаолияти мисол бўлаолади. Ҳозирги вақтда бу бригадада 50 дан ортиқ киши бирлашган. Илгари фақат дурадгорлардан иборат бўлган бу бригадада ҳозир ғишт терувчилар, сувоқчилар, бетончилар ва бошқа касбдаги қурувчилар бор. Бригада аъзолари бир йўла бутун бир бинони охиригача қуриб битказадилар. Бу эса қурилиш ишлари сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Бригада ой сайин ишлаб чиқариш топшириқларини мунтаазам равишда 2 бараварга етказиб бажараётир. Шу билан бирга бинокорлик материаллари ва иш ҳақи фонди кўплаб тежалмоқда.

Олмалиқ бинокорларининг йил сайин ҳажми ортиб бораётган қурилиш ишлари планларини муваффақиятли бажараётганликларининг асосий омилларидан бири — бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш корхоналари ишига катта эътибор берилаётганлигидадир. Ҳозирги вақтда бундай корхоналарда юзларча турдаги бетон ва темир-бетон конструкциялари, олдиндан таранг қилиб ишланган темир-бетон деталлари тайёрланмоқда. Бу конструкциялар қурилишда кенг фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам «Алмаликсвинецстрой» трести коллективи ҳар миллион сўмлик қурилиш ишларида темир-бетон деталларидан фойдаланиш бўйича республикамиздагина эмас, шу билан бирга Иттифоқимизда ҳам олдинги ўринларнинг бирида туради.

Олмалиқ бинокорлари ҳузурига ўзаро тажриба алмашиш учун борган Чирчиқдаги 160- трест қурилиш бошқармалари коллективининг вакиллари у ердан кўп фойдали янгиликларни ўрганиб келдилар. Улар ҳамкасбларининг тажрибалари асосида қурилиш ишларини ташкил этиш ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга қаратилган жуда кўп тадбирларни белгилаб чиқдилар ва шу кунларда уларни бирин-кетин амалга оширмоқдалар. Бу эса, етти йилликда Чирчиқ бинокорлари олдида турган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга катта ёрдам беради.

Л. ЗОЛИНА,
160- қурилиш трести, 225-УНР план бўлимининг бошлиғи.



Суратда: Октябрь район пионерлар уйининг ёш ўлкашунослари Назарбек қишлоғининг хушманзара жойларида экскурсия ўтказмоқдалар.

В. Бектуганов фотоси.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Ариза ва шикоятларга эътиборни кучайтирайлик

Ҳар бир совет граждани нима тўғрисида ариза ёки шикоят ёзмасин, бирор масалани тўғри ҳал этишни талаб қилади. Ечилиши лозим бўлган ҳар бир масаланинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, у ўз вақтида кўрилиши ва тегишли жавоб берилиши керак. Бизнинг социалистик жамиятимизда бунинг учун бутун имкониятлар мавжуддир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда доимо гамхўрлик қилиб келмоқдалар, тўрачиликка ва сансалорликка қарши кескин курашмоқдалар. 1958 йилда КПСС Марказий Комитети томонидан қабул қилинган «Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишдаги жиддий камчиликлар ҳақида»ги қарор бунинг далилидир.

Тошкент шаҳар ва район ижрокомлари, корхона ва муассасалар, турли ташкилотлар ҳам кейинги вақтда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда бирмунча яхши натижаларга эришдилар. Қайталаб тушаётган шикоятлар сони бироз камайди, аризаларни ҳал қилиш муддатлари қисқармоқда. Бу масала ижрокомларнинг мажлисларида тез-тез муҳокама қилиниб туради. Ариза ва шикоятларни ҳисобга олиш ва уларга тегишли жавоб қайтариш деярлик ҳамма ерда тартибга солинган.

Аммо шунга қарамай, райоз ижрокомлари ва бўлимларининг, баъзи ташкилот ва муассасаларнинг шикоят ва аризаларни кўриб чиқишдаги иш методлари хали талабга жавоб бераднган даражага кўтарилган эмас. Шикоят ва аризаларни ўз вақтида батафсил текшириш натижалари бу масалада ҳали ҳам жиддий камчиликлар борлигини кўрсатди. Масалан, Фрунзе райижрокомини олайлик: 1959 йилнинг беш ойи ичида 1018 шикоят ва ариза тушган бўлса, шундан 427 тасига муддатидан анча кечиктирилиб жавоб берилган. Ижроком аризаларнинг кўрилиши устидан етарли назорат қилмаган. Оқибатда район коммунал хўжалик бўлими ва уй-жой бошқармаси 1958 йилдан қолган 58 аризага ва 1959 йилнинг 4 ойи мобайнида 258 аризага жавоб бермаган.

Гражданлардан Резницкий «Ташкентская правда» газетасига колхоз устидан шикоят қилиб ариза берган. Бу ариза редакциядан район ижрокомига 1958 йил 28 декабрда чора кўриш учун юборилади. Ижроком раиси Ўртоқ Ғуломов уни комхоз мудири Ўртоқ Норматовга (?!), Норматов эса район инженери Ўртоқ Васильевга юборади. Ариза январь ойидан то шу давргача натижасиз қолиб келган.

Қизиғи шундаки, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Ғуломов район коммунал хўжалиги устидан тушган шикоятли комхоз мудири Ўртоқ Норматовга юборган. Ўртоқ Норматовнинг ўз устидан тушган шикоятни сансалорликка солиши ва оқибатсиз қолдириши турган гап эди. Аслида ҳам шундай бўлиб чиққан. Шикоят узоқ вақт қўллан-қўлга ўтиб, оқибатсиз қолиб кетди. Ўртоқ Ғуломов ўзи имзо чеккан шикоятнинг натижасини текшириб ҳам кўрмаган.

Фрунзе райоз ижроия комитетида шикоят ва аризаларга масъулиятсизлик билан қараладаётганлигини кўрсатувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Куйбишев райоз ижроия комитетига 6 ой мобайнида 2025 шикоят ва ариза тушган бўлса, шундан 307 таси иккинчи марта берилган. Бу ерда ҳам асосий камчилик ижроком бўлимларининг шикоят ва аризаларга ўз вақтида ва аниқ жавоб бермаслиқларидадир. Гражданин Груценконинг уйни ремонт қилиб бериш ҳақидаги аризасига 120 кундан кейин «қўшимча маблағ ажратилганда ремонт қилинади» деб жавоб берилган. 6 ой ичида район уй-жой бошқармасига 2017 ариза тушган бўлса, шундан 1166 таси юқори ташкилотлар томонидан юборилган. Бу аҳвол аҳолининг уй-жой бошқармасига ишонмай қўйганидан далолат беради. Гражданка Антипованинг уй сўраб берган аризасига жавоб бериш учун 80 кун керак бўлган. Бундай мисоллар жуда кўп ва уни ҳар бир районда учратиш мумкин.

Аҳвол шуни кўрсатадики, ариза ва шикоятларни ўз вақтида текшириш, ҳаққоний чора кўриш фақат раҳбар ходимларгагина боғлиқ бўлмай, давлат аппаратида ишлаб турган шу ишга бевосита алоқаси бўлган ҳар бир ходимга ҳам тегишлидир. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини тўғри ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшган киши партия ва давлат олдидаги ўзининг шарафли бурчини бажаришни сўз билан эмас, амалда кўрсатган бўлади. Чунки меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини тўғри ҳал қилиш давлат ишидир, буни ҳар бир совет давлат аппаратида хизмат қилувчи киши ёдидан чиқармаслиги керак.

А. РАФИҚОВ.
Тошкент шаҳар ижрокомининг ташкилий бўлим мудири.

Калинин районидаги Охунбобоев номли колхознинг 8-бригадасида маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирилди. Бригада аъзолари 5,5 гектар майдондан мўл-кўл кўкпоя олишга аҳд қилганлар. Суратда: колхозчи Йўлдош Мансуров маккажўхорини ўриб олмоқда.

В. Салов фотоси.

О Н А

МЕҲРИМ ҚАЙНАР

Онам баҳри бунчалар қайноқ,
Меҳрим қайнар ҳароратидан.
Тиллари бол,
Сўзлари қаймоқ,
Нур эмаман муҳаббатидан,
Бир навқирон йигит каби тик.
Ёноғи ол,
Чеҳраси кулган.
У тобланган экан пўлатдек
Паранжисин қилганда гулхан.

ҚАЙСИ ЭКАН...

Ойим ҳамма болаларини
Бир-биридан севармиш ортиқ.
Шавқи билан завқин-барини
Қилган эмиш уларга тортиқ.
Бирин қўзим, сара сен, дейди.
Яна бирин, дейди юрагим.
Бирин қўзим, сара сен, дейди,
Қайси экан энг бир кераги?

ҚУШИБ БЕРГАН ЭКАН...

Соғинаман ойимни дойим,
Кўргим келар,
Орзиқар юрак.
Ҳар кўрганда қушдай толпиниб,
Уни қучмоқ мендаги тилак.
Усиб-ундим,
Тўлишди ақлим.
Билиб олдим бунинг сирини.
Эмизганда оқ сутин ойим
Қўшиб берган экан меҳрини.

ЮЗТА БЎЛСАЙДИ КЎЗИМ...

— Севасанми ойингни укам.
Қайси кўзинг билан севасан?
Ойинг — дарахт — серҳосил,
кўркам,
Укажоним, унга мевасан.
Сен ойингга ширин мевасан,
Қайси кўзинг билан севасан?
— Агар юзта бўлганда кўзим,
Ҳаммаси-ла севардим ўзим.

Сайёр ПЎЛАТОВ.

Жаҳон жамоатчилиги Н. С. Хрушчев билан Д. Эйзенхауэрнинг ўзаро визитини табриклямоқда

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҚАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ВОҚЕА

Н. С. Хрушчев билан Д. Эйзенхауэрнинг ўзаро визитлари тўғрисидаги хабар Тошкент корхоналарининг цехларида, илмий лабораториялар ва муассасаларда қизғин муҳокама қилинмоқда. Аҳоли турли табақаларининг намояндалари бу хабарга халқаро миқёсда ғоят катта аҳамиятга эга бўлган воқеа деб, мустаҳкам ва узоқ давомли тинчликка эришиш йўлидаги муҳим қадам деб баҳо бермоқдалар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Ю. Юнусов бундай деди:

— Кейинги вақтларда мен кўпгина чет мамлакатларда бўлдим. Хитой ва Франциядa, Венгрия ва Швейцарияда, Германия Демократик Республикасида менга кўп кишилар билан самимий сухбатлашишга тўғри келди. Суҳбат нима ҳақида борса ҳам ҳамиша тинчлик тўғрисидаги масала ҳақида гап бошланар эди. Барча мамлакатларнинг халқлари дўст бўлиб яшашни истайдилар, асримизнинг буюк илмий ютуқларидан ва, аввало, атом энергиясидан ҳарбий мақсадлар учун эмас, балки бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида фойдаланишини қизғин тилайдилар.

Совет ҳукуматининг тинч-тотув яшашдан иборат ленинча буюк принципларга асосланган ташқи сиёсатининг донолигини Ватанимиздан ташқарида бўлган вақтда айниқса кучли ҳис қиласан, киши. Бу сиёсатни яхши ниятли ҳамма кишилар қизғин маъқулламоқдалар. Н. С. Хрушчевнинг АҚШ га сафар қилиши ва Д. Эйзенхауэрнинг жавоб визити билан Совет Иттифоқига келиши тўғрисида бутун дунё хурсандчилик билан гапираётган ҳозирги кунда биз икки буюк давлат бошлиқларининг учрашуви муваффақиятли бўлади деб умид қиламиз.

Н. С. Хрушчев билан Д. Эйзенхауэрнинг бўладиган учрашувлари тўғрисидаги хабар Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводи коллективида қизғин фикр олишишларга сабаб бўлди.

— Империалистлар тарафдор бўлган «совуқ уруш»ни соғлом фикрдаги ҳамма кишилар қораламоқдалар, —деди инженер Л. Д. Дайчик, — Ядро қуроли синовларини тўхтатиш, барча мамлакатлар ўртасида маданий алоқаларни ва кенг савдо-сотиқни йўлга қўйиш ҳақида бир битимга келиш пайти етди. Биз Н. С. Хрушчев билан Д. Эйзенхауэрнинг учрашувлари бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига ёрдам берди, деб умид қиламиз. (ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЯНГИ ДАВР

ВАРШАВА, 7 август. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрнинг ўзаро визитларига доир шарҳлар, баён этилган фикрлар ва бошқа материаллар Польшада чиқаётган газеталарнинг диққат марказида турибди. Польша газеталари бу икки давлат арбобининг учрашуви натижасида халқаро муносабатларда янги давр бошланиши мумкин, деб таъкидламоқдалар.

«Трибуна мазовецка» газетаси бугун қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар — жаҳонда энг буюк икки давлатдир. Уларнинг ҳар қайсиси ўз системаси доирасида жуда катта иқтисодий, техника ва ҳарбий потенциалларга эга. Бу давлатлар Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда, умуман айтганда, етакчи роль ўйнамоқдалар. Пировард оқибатда, инсониятнинг тақдири, бутун дунёнинг тинч тараққиёти ана шу давлатлар ўртасидаги муносабатларга боғлиқдир.

Биз, деб ёзади «Трибуна роботнича» газетаси, Хрушчев билан Эйзенхауэрнинг учрашувидек ғоят муҳим воқеани табриклаш учун тамомила ҳақлимиз. Бу учрашув, деб таъкидлайди газета, ғарбий чегараларимизнинг бузилмаслигига таяниладиган ҳамда Боннинг ҳарбий, реваншистик ва ревизионистик ниятларига йўл қўймайдиган тинч интилишларимизнинг — ер юзидаги барча халқлар билан тинч-тотув яшаш йўлидаги интилишларимизнинг ифодаси бўлади.

Тинч-тотув яшаш идеясининг муваффақияти

ТИРАНА, 7 август. (ТАСС). «Пуна» газетаси СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан АҚШ президенти Эйзенхауэрнинг бўладиган ўзаро визитлари тўғрисидаги хабарни шарҳлаб, бу ҳақдаги хабарга барча халқлар тинч-тотув яшаш идеясининг муваффақияти деб баҳо бераётганликларини таъкидлайди.

Ҳаммага маълумки, деб ёзади газета, Совет Иттифоқи барча мамлакатлар билан, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари билан ҳам муносабатларни яхшилаш йўлида кучгайратини аямади. Совет Иттифоқи давлатларнинг ижтимоий-сиёсий системаларидаги тафовутлар халқлар ўртасидаги самарали ҳамкорликка тўсқинлик қилмаслиги лозим, деган фикрга асосланиб, тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга ошириб келди ва амалга оширмоқда.

Грек демократлари озод қилинсин!

АФИНА, 6 август. (ТАСС). Матбуотнинг хабар беришича, кеча Глезоснинг ҳимоячилари ҳарбий трибуналнинг Глезос тўғрисида чиқарган қарори устидан ареопатга (олий кассация суди) кассация шикояти топширганлар. Ҳимоячилар ҳарбий суд Глезоснинг ишини кўришга ҳақи йўқ, деб даъво қиладилар. Глезоснинг ҳарбий судга берилиши Греция конституциясининг 8-моддасига хилофдир. Бу моддада граждан шахсларнинг ишини граждан судларида кўриш кўзда тутилади.

Шунга асосан, шунингдек 375-қонуннинг нотўғри талқин қилинганлиги ва Глезосга нисбатан нотўғри қўлланилганлиги сабабли ҳимоячилар ҳарбий суд қарорининг бекор қилинишини ҳамда Глезос ишининг граждан судида қайтадан қараб чиқилишини талаб этмоқдалар. Ҳимоячиларнинг фикрича, бундай қилиш Глезосга қарши қўйилган айбларнинг сохталигини фош қилади ва унинг озод қилинишига олиб келади.

Кейинги кунларда ҳарбий трибуналнинг Трикалиносга нисбатан чиқарган қарори устидан ҳам апелляция судига шикоят ҳамда суднинг Рагузаридисга нисбатан чиқарган қарори устидан ареопагга кассация шикояти топширилган.

Бугун Буцас ва Сингелакис ҳамда Каркаянис иши юзасидан кассация берилиши кутилмоқда.

Совет ва корейс халқларининг «Дўстлик кўприги»

ПХЕНЬЯН, 7 август. (ТАСС). Бугун Хасан-Туманган (Тумень-Ула) перегонида Туманган дарёси устига қурилган темир йўл «Дўстлик кўприги» фойдаланишга топширилди. Бу кўприк совет мутахассислари ишлаб чиққан лойиҳа бўйича, Совет Иттифоқи ва Корея Халқ Демократик Республикасининг кучи билан қурилди.

Шу муносабат билан совет ва корейс қурувчиларининг митинги бўлди. Митингда атроф-теваракдаги аҳоли ҳам иштирок этди.

Митингда КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. Е. Чернишев ва Корея Халқ Демократик Республикасининг йўллар министри Ким Хве Ир сўзлаб, қурувчилар коллективини қардош мамлакатлар — СССР ва Корея Халқ Демократик Республикасини темир йўл ишлари орқали боғлаган «Дўстлик кўприги» қурилишининг муваффақиятли тугалланганлиги билан самимий табриклядилар.

Эйзенхауэр Лондон ва Парижга боради

ЛОНДОН, 7 август. (ТАСС). АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрнинг Буюк Британия бош министри Г. Макмиллан билан музокаралар олиб бориш учун 28 августда Лондонга келиши бу ерда расмий равишда эълон қилинди.

ПАРИЖ, 7 август. (ТАСС). Бу ерда эълон қилинган расмий ахборотда айтилишича, АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр 2 сентябрда Парижга келади.

Маҳалла комитетларининг фаолиятини оширайлик

Маҳалла комитетлари Маҳаллий Советлар сингари район Советларининг маҳаллий ижрочилари ҳисобланади. Район Советлари маҳалла комитетлари ва унинг активлари билан яқин алоқада бўлишлари лозим.

Тошкент шаҳар, Киров районидаги Янгиариқ маҳалласи илгарилари эгри-бугри, пастқам боғ кўчалардан иборат эди. Сўнгги йилларда бу жой таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Сўнгги 5 йил ичида бу маҳаллада 600 дан ортиқ ишчи ва хизматчининг дангиллама планли уйлари қад кўтарди.

Янги кўчалар очилиб, шаҳар тўкилди. Йўллар қуришда маҳалла аҳолиси актив қатнашди. Аҳолининг кучи билан янги очилган кўча четларига 15 мингдан кўпроқ турли дарахт кўчатлари экилди, хонадонларга водопровод тармоқлари киритилди. Лекин маҳаллада ободончилик ишлари кейинги пайтларда ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Якинда бўлиб ўтган маҳалла аҳолисининг умумий йиғилишида сўзга чиққан Г. Қорахонов, Х. Устаев, А. Мирзаев, Н. Мирхабибов А. Шарипов ва бошқа ўртоқлар маҳаллада ободончилик соҳасида етарли иш қилинмаётганлиги, планли участка тақсимотида қонунга зид хатти-ҳаракатлар юз берганлигини ва бошқа нуқсонларни аниқ мисоллар билан кўрсатиб, маҳалла комитети аъзоларини қаттиқ танқид қилдилар. «Янгиариқ» кўчаси ҳалигача кўча ҳолига келтирилмаган. Шу кўчада истиқомат қилувчи айрим ўртоқлар эски деворларини бузишга кўзлари қиймай кўча очилишига ҳалал бераётирлар. Натижада бу кўчанинг охирида яшовчи кишилар қурилиш материалларини, ўтин-кўмирларни елкаларига қўйиб 1,5-2 километрдан ташиб киралилар.

Рилеев, Киев, Янгиариқ кўчаларига шу пайтгача шағал тўкилмаган. Бу кўчаларда яшовчи аҳоли ёзда чангдан, қишда лойдан озор чекмоқда. Кўчаларга тол, терак экиб қўйилган. Лекин ариқларда сув бўлмаганлигидан дарахтлар қуриб қолмоқда.

Маҳалланинг умумий йиғилишида район Совети ва унинг бўлимлари маҳалла комитетлари иш фаолияти устидан назорат қилмай келаётганликлари, район Советининг депутатлари сайловчилар билан учрашиб турмаётганликлари, олган наказларини бажармаётганликлари қаттиқ танқид қилинди.

Н. АБДУКАРИМОВ.

КОЛХОЗДА ДАМ ОЛИШ УЙИ

Калинин районидаги Сталин номли колхозда яқинда 30 ўринли дам олиш уйи ташкил қилинди. Дам олиш уйи колхознинг ҳушманзарали, баҳаво ва салқин ерига жойлашган бўлиб, колхозчиларнинг кўнгилли дам олишлари учун зарур қулайликлар яратилган. Ҳозир бу ерда ҳордиқ чиқараётганлар орасида Исмоил Ҳошимов, Ҳудойберди Ёқубов, Рашид Қосимов каби кекса колхозчилар бор.

Т. РАСУЛЕВ.

Коммунистик ахлоқ—совет кишисининг юксак маънавий фазилати

Партиянинг навбатдан ташқари XXI съезди XX съезддан кейинги даврда Ватанимиз экономикаси ва маданиятини юксалтириш соҳасида эришилган галабаларга якун ясади. У, мамлакатимизда социализм узилкесил галаба қозонганлигини қайд этиб, коммунистик жамият қурилишининг ҳозирги босқичидаги улуғвор вазифаларни белгилаб берди. Съезд мамлакатимизнинг коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш даврига кирганлигини таъкидлаб, партиянинг ғоявий-тарбиявий ишларини янада кучайтириш, меҳнаткашларнинг, аввало, ёш авлоднинг социалистик онглилигини ошириш, уларни меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида, коммунистик ахлоқ принциплари руҳида тарбиялаш шу даврнинг муҳим идеологик вазифаси эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXI съездида қилган докладида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планнинг асосий вазифалари ҳақида гапириб, бу даврда «Партиямиз ва давлатимизнинг идеология соҳасида олиб борадиган бутун иши совет кишиларининг янги сифатларини ўстиришдан, уларни коллективизм ва меҳнатсеварлик руҳида, социалистик интернационализм ва ватанпарварлик руҳида, янги жамиятнинг юксак ахлоқи принциплари руҳида, марксизм-ленинизм руҳида тарбиялашдан иборат бўлиши лозим», деб таъкидлади.

* * *

Марксизм-ленинизм ижтимоий фикр тарихида биринчи бўлиб, ахлоқнинг келиб чиқиши ва унинг моҳиятини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Марксизм-ленинизм ахлоқни идеалистик тарзда изоҳлашга қарама-қарши ўлароқ, жамият ривожининг муайян тарихий даврида синфлар ва давлат келиб чиққанидан бошлаб ахлоқ ҳам синфий тус олганлигини, бинобарин ахлоқ синфий жамиятда ҳамиша синфий характерга эга эканлигини кўрсатиб берди.

Буржуа ахлоқи ўз моҳияти билан худбинлик, шахсий манфаатпарастлик сингари эгоистик чиркин ғояларга асосланади. Индивидуализм ва эгоизм буржуа ахлоқининг энг характерли хусусиятидир. Шунинг учун ҳам бу ахлоқ «Одам-одамга ёвдир», «Ҳар ким ўзи учун, бир худо барча учун», «Ўзингни бил, ўзгани қўй», ҳамма нарсанинг асоси — «Мен», «Менинг истакларим», «Менинг манфаатим», «Менинг фойдам» каби шахсиятпарастлик қоидаларига амал қилади. Шунга кўра бу ахлоқ кишилар ўртасида бир-бирига душманлик, ашаддий миллатчилик, юлғинчилик, фоҳишалик ва қотиллик каби разилликларни авж олдиришни тарғиб қилади.

Маркс ва Энгельс улуғ ишларининг гениал давомчиси бўлган В. И. Ленин ахлоқ тўғрисидаги марксистик таълимотни янги тарихий шароитда янада ривожлантирди ва ахлоқни одоб талабларидан, ғайри илоҳий куч иродасидан келтириб чиқаришнинг тамомила уйдирма эканлигини кўрсатиб берди. У, коммунистик ахлоқ пролетариат синфий курашининг манфаатларидан келиб чиқишини донолик билан асослаб берди.

Владимир Ильич 1920 йил 2 октябрда Россия Коммунистик Ёшлар Союзининг III Бутунроссия съездида сўзлаган нутқида кишилик жамияти тушунчасидан, синфий тушунчадан ташқари турувчи ахлоқ йўқ эканлигини кўрсатиб, бундай ахлоқ бор дейиш алдоқчилик бўлади, деган эди.

Буржуазия ўзининг эксплуататорлик манфаатларини кўзлаб, худо номидан гапириб, пролетар ахлоқининг мавжудлигини инкор этади, у, коммунистлар ҳеч қандай ахлоқни танимайди, деб туҳмат қилади. В. И. Ленин буржуазиянинг ана шу қабиҳ туҳматларини кескин фош қилиб айтган эдики, биз ҳар қандай ахлоқни инкор эта бермаймиз, балки буржуазия тарғиб қилган маънодаги ахлоқни, худонинг амри-фармонига боғлиқ деб ҳисобланган ва помещик ҳамда капиталистлар манфаатларига хизмат қилаётган ахлоқни инкор этамиз. Биздаги ахлоқ пролетариатнинг синфий кураш манфаатларига тамомила бўйсунган, деймиз.

Коммунистик ахлоқ пролетариат синфий курашининг манфаатларидан келиб чиққан янги, олий типдаги ахлоқдир.

В. И. Ленин коммунистик ахлоқнинг мазмунини таърифлаб бундай деган эди: «Биз ахлоқ эски эксплуататорлар жамиятини емириш ва барча меҳнаткашларни янги коммунистик жамият қураётган пролетариат теварагига бирлаштиришга хизмат қиладиган нарсадир, деймиз. «Коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш коммунистик ахлоқнинг асосидир» (Асарлар, 31 том, 301, 303 бетлар).

Ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулкчилиги коммунистик ахлоқнинг иқтисодий асосини, совет ижтимоий давлат тузуми эса унинг сиёсий асосини ташкил этади. Коммунистик ахлоқнинг идеологик асоси ишчилар синфи интернационалистик партиясининг дунё қараши бўлган марксизм-ленинизмдир. Ахлоқнинг ана шу иқтисодий, сиёсий ва идеологик асослари биргаликда қўшилиб, халқимизни совет жамияти қардошлик оиласида ягона мақсад сари — коммунизм қуриш учун курашда бирлаштиради.

Социалистик ватанпарварлик, халқлар дўстлиги ва совет кишиларининг маънавий-сиёсий бирлиги коммунистик ахлоқнинг ғоят муҳим принциплари сифатида совет жамияти тараққиётининг бутун тарихи давомида ўзининг улуғ кучини амалда кўрсатиб келмоқда.

Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган тарихий галаба ўз моҳияти билан пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги идеологиясига асосланган коммунистик ахлоқ принципларининг миллатчилик ва ирқчиликка асосланган реакцион фашизм ахлоқи устидан қозонган тарихий галабаси ҳам бўлди.

Ҳозир совет кишилари партия XXI съезди қарорлари асосида мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик программасида белгиланган улуғвор вазифаларни бажаришга киришиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Республикамиз заводларида ва қурилишларида владимирликлар ва свердловликларнинг маҳсулот чиқаришнинг етти йиллик охирига белгиланган даражасига ички ресурслардан яхши фойдаланиш йўли билан муддатдан илгари етиш соҳасида бошланган ватанпарварлик ташаббуси, шунингдек, Вишний-волочок комбинатининг ишчиси В. Гаганова бошлаган ажойиб ҳаракат қизғин маъқулланди ва қўллаб-қувватланди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида таъкидлаб ўтганидек, «бу қиз кўрсатган ҳимматнинг қиммати ва олижаноблиги шундаки, у моддий манфаатдор бўлганлиги учун шундай қилгани йўқ, балки унинг шундай қилишига идея, коммунистик тузумга ғоявий содиқлиги сабаб бўлди. Бизнинг кишиларимиз ана шу коммунистик тузум деб ўзларининг шахсий манфаатларидан кечмоқдалар!»

Тошкент область Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг комплекс механизациялаштирилган бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусовнинг ибратли иши меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг ёрқин ифодасидир. Эндиликда В. Гаганова, Ғанишер Юнусов сингари партия, халқ ва Ватанга хизмат қилишнинг олижаноб намуналарини кўрсатаётган коммунистик ахлоқ эгаси бўлган кишиларнинг сафи тобора ортиб бормоқда. Валентин Тюпко, Қодир Кенжаев, Тогай Абдусаматов, Насиб Бекиров, Маннон Жалолов, Турсуной Охунова ва уларнинг ташаббусига қўшилган минглаб пахтакорлар ва механизаторлар етти йилликнинг пахтачилик соҳасидаги вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга жуда катта ҳисса қўшаётган ватанпарварлардир.

Ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ва ёрдамга асосланган ана шу меҳнат процессида совет кишисининг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ҳулқ-атвори, фазилатлари янги мазмун билан янада бойиб такомиллашмоқда. Буларнинг ҳаммаси коммунистик ахлоқнинг буржуа ахлоқи устидан тўла галаба қозонганлигини, у мамлакатимизда ҳукмрон ахлоқ бўлиб қолганлигини кўрсатади.

Бироқ, бундан баъзи бир совет кишилари онгида, уларнинг ҳаёти ва ўзаро муносабатларида феодал-буржуа ахлоқининг сарқитлари батамом тугатилган, деган хулоса келиб чиқмайди. Маълумки, ҳали бизказий Комитетининг июнь Пленумида таъкидлаб ўтганидек, «бу қиз кўрсатган ҳимматнинг қиммати ва олижаноблиги шундаки, у моддий манфаатдор бўлганлиги учун шундай қилгани йўқ, балки унинг шундай қилишига идея, коммунистик тузумга ғоявий содиқлиги сабаб бўлди. Бизнинг кишиларимиз ана шу коммунистик тузум деб ўзларининг шахсий манфаатларидан кечмоқдалар!»

Тошкент область Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг комплекс механизациялаштирилган бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусовнинг ибратли иши меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг ёрқин ифодасидир. Эндиликда В. Гаганова, Ғанишер Юнусов сингари партия, халқ ва Ватанга хизмат қилишнинг олижаноб намуналарини кўрсатаётган коммунистик ахлоқ эгаси бўлган кишиларнинг сафи тобора ортиб бормоқда. Валентин Тюпко, Қодир Кенжаев, Тогай Абдусаматов, Насиб Бекиров, Маннон Жалолов, Турсуной Охунова ва уларнинг ташаббусига қўшилган минглаб пахтакорлар ва механизаторлар етти йилликнинг пахтачилик соҳасидаги вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга жуда катта ҳисса қўшаётган ватанпарварлардир.

Ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ва ёрдамга асосланган ана шу меҳнат процессида совет кишисининг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ҳулқ-атвори, фазилатлари янги мазмун билан янада бойиб такомиллашмоқда. Буларнинг ҳаммаси коммунистик ахлоқнинг буржуа ахлоқи устидан тўла галаба қозонганлигини, у мамлакатимизда ҳукмрон ахлоқ бўлиб қолганлигини кўрсатади.

Бироқ, бундан баъзи бир совет кишилари онгида, уларнинг ҳаёти ва ўзаро муносабатларида феодал-буржуа ахлоқининг сарқитлари батамом тугатилган, деган хулоса келиб чиқмайди. Маълумки, ҳали бизда буржуа ахлоқининг сарқитлари, капитализмнинг хусусий мулкчилик психологиясининг ва ҳулқ-одатларининг сарқитлари сақланиб қолган. Афсуски, ҳали ҳам жамоатчиликни ҳақли суратда газаблантираётган бюрократлар, текинхўрлар, ишёқмас, ўғрилар, чайқовчилар, кўзбўямачилар, туҳматчилар, маиший бузилганлар, безорилар ва ичкиликбозлар бизда учраб туради.

Ичкиликбозлик - алкоголизм — буржуа ахлоқининг энг разил сарқитларидан биридир. У, ичкиликка берилган шахснинг соғлигига ғоят зарарли таъсир этибгина қолмай, шу билан бирга уни маънавий-ахлоқий жиҳатдан бузилишга олиб келади. Бундай киши социалистик жамиятда яшаш қоидаларини бузади, ўз оиласининг иқтисодий аҳволига путур етказади. Ичкиликбозлик ижтимоий ҳаётда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам барча ахлоқий бузилишларнинг манбаидир. Кишиларга ва оилага нисбатан қўпол муносабатда бўлиш, ижтимоий меҳнат процессида интизомсизлик, безорилик, ҳатто жиноий ишлар қилиш каби ноҳўя ҳаракатлар кўпинча ичкиликбозлик орқасида юз беради.

Безорилик, хулиганлик — буржуа ахлоқизм машъум дарахтидир. Безори меҳнаткашларнинг осойишталигини ва ҳузур-ҳаловатини бузади. Шунинг учун ҳам совет қонуни безорилик, хулиганликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кескин кураш олиб бораётир. Бу курашда кенг меҳнаткашлар оммасининг, айниқса, жамоат ташкилотларининг иштироки ҳам ғоят ижобий аҳамиятга эгадир.

Совет кишисининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида коммунистик ахлоқ принциплари тантана қилиб бораётган бир пайтда феодал-буржуа ахлоқининг сарқитларига қарши кураш, меҳнаткашларни, айниқса ёшларни янги жамиятга хос ўқимишли ва маданиятли, одобли кишилар қилиб тарбиялаш ғоят муҳим идеологик вазифадир.

* Ўртоқ Хрушчев КПСС XXI съездида айтганидек, баъзи ходимлар совет ёшларига буржуа таъсири ўтказадиган зарарга етарли баҳо бермайдилар, улар буржуазия биздан олисда, шунинг учун бизнинг ёшларимизга таъсир кўрсата олмайди, дейдилар. Бу мутлақо хатодир. Шуни унутмаслик керакки, буржуа пропагандаси ёшларимизни маънавий жиҳатдан бузишга интилади, маънавий беқарор киши эса сиёсий жиҳатдан ҳам беқарордир. Шунинг учун ҳам партиямиз буржуа идеологиясининг таъсирига қарши изчил кураш олиб бориб, коммунистик ахлоқ принципларини совет кишиларининг, айниқса ёшларнинг ҳам ижтимоий, ҳам шахсий ҳаётига чуқур сингдириш учун барча чораларни кўрмоқда.

Шуни назарда тутиб, партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларни, айниқса ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида учун билимли ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида жуда муҳим тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар ва амалга оширмоқдалар.

Коммунистик партия В. И. Ленининг «Бутун пропаганда хўжалик қурилишининг сиёсий тажрибасига асосланмоғи лозим», деган кўрсатмасига амал қилиб, тарбиявий-ғоявий ишларни ҳаёт билан, ички ва ташқи сиёсатдаги барча вазифалар билан чамбарчас боғлашнинг намуналарини кўрсатмоқда. Партия социалистик идеологиянинг барча воситалари асосида меҳнаткашларни халқ ва давлат манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиш руҳида, ишимизнинг ғалабасига ишонч, коммунизм қурилиши йўлида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўта билиш руҳида тарбиялямоқда. Совет халқи партия раҳбарлигида КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошириш йўлида фидокорона курашиб, коммунизм тантанаси сари олга бормоқда.

З. ИСАМУҲАМЕДОВ.

Янги уйингиз муборак бўлсин!

Тошкентнинг жанубий-ғарбидаги Чиланзор массиви бундан бир неча йил илгари қуруқ бўшликдан иборат эди. Эндиликда эса унинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Ҳозирги вақтда бу ерда ўнлаб тўрт қаватли кўп квартирали уй-жой бинолари қад кўтарди. Магазинлар, болалар боғчалари, кутубхона, ясли, поликлиника, почта, телевизион ателъеси, ўрта мактаб бинои ва бошқа шу каби жуда кўп аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар вужудга келтирилди.

Шу кунларда ҳам массивда қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. Етти йиллик планга асосан бу ерда ҳаммаси бўлиб бир миллион юз минг квадрат метр уй-жой майдони қурилади. Бу турар-жойларда бирнеча ўн минг аҳоли истиқомат қиладиган бўлади. 1960 йилнинг охирига қадар 800 ўринли кинотеатр, истироҳат ва дам олиш боғи, клуб, маиший комбинат, ошхоналар, чойхоналар, дорихона, янги шифохона, мактаблар, болалар боғча ва яслилари, янги троллейбус трассаси қурилади. Бунинг натижасида Чиланзор массиви пойтахтимизнинг энг гўзал ва обод районларидан бирига айланади.

Суратда: массивдаги янги уйларга меҳнаткашлар кўчиб кирмоқдалар.

Фото ва текст Т. Муродовникиники.

ГУЛЧИЛИК ҲАВАСКОРЛАРИГА МАСЛАҲАТЛАР

Гул касалликлари ва уларга қарши курашиш йўллари

Калинин районидаги А. С. Пушкин номли 2-ўрта мактаб ўқитувчиси Содиқов, Октябрь район, Сағбон кўча, Мақола проезд, 3-тупик, 7-уйда турувчи Саидаҳмад Маҳкамов ва бошқа ўртоқлар бизга хат ёзиб, гул касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари тўғрисида маълумот беришни сўраганлар. Қуйида биз шу ўртоқларнинг илтимосига биноан мутахассис маслаҳатини босмоқдамиз.

Гул ҳовлимизнинг безаги, ҳушбўй ҳидлари билан кишиларни ўзига мафтун қиладиган ажойиб ўсимлик.

Аммо ёнингарчилик кўп бўлган бу йилги шароитда баъзи бир касалликлар ва зараркунандалар таъсирида гулларнинг ҳиди ва чиройи йўқолмоқда.

Айниқса, атр гул ва картошка гуллари ҳозирги кунларда «кул тушиш», яъни уншудринг касаллиги билан шикастланяпти. Бу касаллик кўпроқ гуллар зич жойлашган намлик жойларда майда замбуруғ таъсирида пайдо бўлади. Шикастланган гул барглари ёш навдалари ва гунчаларида олдин оқ унсимон учувчи доғлар ҳосил бўлади. Бу доғлар кейинчалик бутун ўсимликнинг танасига тарқалади.

Зарарланган атр гулининг барглари буралиб қолади, қурийди ва охирида тўкилиб кетади. Гул тупининг ўзи эса нимжонланиб, қурий бошлайди. Бу касаллик айниқса кун иссиқ пайтда авж олади.

Касалликнинг олдини олиш учун атр гулининг гуллаши олдидан унинг тупларини икки марта олтин гугурт кукини билан чанглаш керак. Чанглаш эрталаб ёки кечки салқинда, шамол бўлмаган пайтда ўтказилса жуда яхши натижа беради.

Махсус чанглатиш аппаратлари бўлмаган тақдирда дока халталаридан фойдаланиш керак.

Ёзнинг жазирама кунларида гулларга ичимлик содаси (1литр сувга 4-5 грамм сода қўшиб аралаштириб) пуркалади.

Булардан ташқари атр гулда занг касаллиги, қора доғланиш касаллиги ҳам учрайди.

Бу касалликни йўқотиш учун гул тупларига 1 процентли бордосс суюқлиги ёки 1 процентли мис купориси пуркалади, тупроққа эса минерал ўғит ҳам солинади.

Картошка гулини ҳам бирнеча касалликлар шикастлайди. Бу гулга, айниқса, бактерия раки кўп зарар етказади. Бу касаллик ҳам бактериялар таъсирида пайдо бўлиб, аввал гулнинг илдиз бўйнини шикастлайди, натижада ўша ерда ҳархил катталикдаги шишлар ҳосил бўлади. Кузгача бу шишлар жуда ҳам кўпайиб кетади. Бундай гул тупларини юлиб ташлаш ва тез йўқотиш лозим. Шу гуллар экилган тупроққа бошқа гуллар экилса жуда яхши бўлади.

Картошка гулининг баргида учрайдиган олачипор (мозаика), яъни вирус касаллиги ҳам гулга катта зарар келтиради. Касалликни жуда майда вируслар тарқатади, улар гулнинг ширасида пайдо бўлади. Шикастланган барглар ҳархил тусга кириб кейинчалик саргайиб кетади. Гул ва гунчалар эса очилмасдан сўлий бошлайди, илдиздаги картошкалар майда ва ёрилган бўлади. Унча зарарланмаган картошка гулларини соғ картошка гулларидан алоҳида сақлаш керак, қаттиқ шикастланганларини эса йўқотиш лозим.

Фузариоз касаллиги билан эса картошка гулининг барг ва новдалари шикастланади. Қаттиқ зарарланган картошка гули қурийди, картошкалари эса чирийди. Бу ҳол ноқулай об-ҳаво шароитида содир бўлади, касаллик тупроқ орқали ўсимликка ўтади. Шунинг учун зарарланган новдалар соғ жойларигача кесиб ташланади, кесилган ерларига оҳак куки ёки кул сепилади.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг фитапатология кафедрасининг ассистенти.

К. ОРИФХОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника боғининг аспиранти.

ЎҚИТУВЧИЛАР СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ПЕДАГОГИКА ПОСТИДА ҚИРҚ ЙИЛ...

1919 йил. Ашрафхонов Ансафхон янги очилган ўқитувчилар тайёрлаш курсига кириб ўқийди ва ўша йили ўқитувчилик қила бошлайди.

Ўқитувчилар сафи жуда кам, бунинг устига диндорлар саводсизликка тиш-тирноқлари билан қарши турган бир пайтда ўқитувчилик қилиш, албатта жуда масъулиятли ва оғир эди. Оми халқ ўз болаларини мактабга юборгудек бўлсалар диндорлар уларни динсизликда айблаб, таъқиб остига олардилар.

Ансафхон эса омиларга илмнинг моҳиятини сўзлар, диндорларнинг фикрларини нотўғри эканлигини тушунтириб берарди. У ўзи ўқитувчилик қилган Тошкентдаги 28-мактабда ўз болаларини мактабга юбормаётган ота-оналар билан тушунтириш иши олиб борар, болаларни мактабга жалб қилишда турли методларни қўлларди.

1923 йили Чақардаги Миёнхазратнинг ҳавлисида Мирзақори исмли домулла ёшларни қориликка ўқитар эди. Талабалар ҳеч нарсанинг фаҳмига бормай қуръонни қуруқ ёдлаб, кўр-кўрона ўқир эдилар. Шунда шаҳар маорифчилари қорихонани ёпиб, ўрнига янги мактаб очишга муваффақ бўлдилар. Ансафхон ана шу мактабнинг мудири қилиб тайинланди.

— Диндорлар билан бизнинг ўртамиздаги кураш янада кескинлашди, — ҳикоя қилади Ансафхон. — Иложини топсалар бизларни тош бўрон қилишга ҳам тайёр, эди улар. Шундай қилиб Ансафхон ёш авлодни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Мана 40 йилдирки, у узлуксиз ўқитувчилик қилиб келаётир. Ансафхон тарбиянинг қаерда оғир участкаси бўлса, шу ерда ҳозир.

Партия ва ҳукуматимиз Ансафхоннинг таълим-тарбия ишларидаги узоқ вақт самарали меҳнатини тақдирлаб «Меҳнат Қизил байроқ» ордени ва медаллар билан мукофотлади. Меҳнатсевар ўқитувчимиз 10 йилдан бўён пенсионер. Аммо бу тиниб-тинчимас ўқитувчи ҳамон ёш авлодни коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари қилиб етиштириш учун бор кучини сарфлаяпти. Кекса ўқитувчидан таълим олган қанча-қанча олим, ўқитувчи, врач кадрлар ҳурматли ўқитувчини доим йўқлаб турадилар.

Қорасув районидаги 17-сон етти йиллик мактаб коллективи салкам ярим аср умрини таълим-тарбия ишига сарфлаган қадрли ўқитувчи Ансафхон Ашрафхоновнинг 40 йиллик педагогик фаолиятини нишонлаш арафасидалар.

З. ОРИПОВ.

Бугун „ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА" газетасида

Бош мақола ва биринчи бетдаги бошқа кўпгина материаллар қурувчилар кунига бағишланган. Газета бу саҳифада Тошкент области ва республикамиз пойтахти қурувчиларининг шу кунларда эришаётган ютуқлари ҳақида ёзган.

Иккинчи бетда қишлоқ меҳнаткашларининг интернационал руҳда тарбияланаётганликлари Гулистон районидаги «Октябрь» колхози мисолида ҳикоя қилинади.

Учинчи бетда Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов билан қилинган суҳбат босилган. Бунда сирдарёликларнинг чақириғига «Шарқ юлдузи» колхози аъзолари нималар билан жавоб бераётганликлари кўрсатилган. Газета Н. С. Хрушчевнинг Америкага бориши ва АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрнинг Совет Иттифоқига келиши ҳақидаги хабарга жаҳон жамоатчилигининг фикрларини босиб чиқарган. Ундан ташқари саҳифада чет эл материаллари ҳам бор.

Тўртинчи бетда Тошкент шаҳрида ҳамда областимизнинг шаҳар ва районларида бўлган муҳим воқеалар ҳақида анчагина хабарлар берилган.

ЎРТҮҚМОК

„ОШИҚ" ЭШОН

Абдураҳмон эшон 77 ёшга бориб қолдилар. Соч-соқоллари оппоқ оқарди. Беллари камалакдек букилган. Қўлларида тасбиҳ, бошларида саватдек салла. Тилларидан «ё оллоҳ!» деган ибора ҳеч қачон тушмайди. Кўча-кўйда юрганларида, чойхона ёки маракаларга бориб қолганларида «одамларда шарм йўқ» дея шикоят қиладилар. Ногиҳон кўзлари қизуҳувонларга тушиб қолгудек бўлса ерга қараб, ёки «қўлларини юзларига пардалар» қилиб оладилар.

— Заифаларда ҳаё йўқ. Ё оллоҳ! —деб секин оҳ чекадилар Абдураҳмон эшон бундай пайтларда.

У кишининг макони олийлари «Полярная звезда» колхозининг «Қизил куч» маҳалласида қарор топган. Касалларга дам соладилар, касал бўлмаганларни ҳам «сен касалсан, тушимда аён бўлди» деб ишонтиришга ҳаракат қиладилар. Кўпроқ наф кўрадиган манбалари жаноза. Шу сабабдан ҳар куни жаноза бўлишини, аллакимни 5—10 кун аввалроқ бандалик қилишини орзу қиладилар. Қишлоқдаги касалларнинг рўйхатини олиб, чўнтакларига солиб олганлар.

Фитир рўзани уйма-уй юриб ўзлари йиғиб оладилар. Тунов куни қишлоқ аҳлидан жон бошига бир ярим килограммдан бугдой, беш сўмдан пул йиғиб олдилар. Жўравой ота Эрматов:

— Пулим йўқ, эртага берсам бўлмасмикан,— деган эди, Эшон ҳазратларининг жаҳллари чиқиб:

— Локин процент қўшиб берурсан,— дедилар,— акс ҳолда тонгла маҳшарда гуноҳингнинг маълум қисми кечирилмагай.

Кунларнинг бирида Абдураҳмон эшон Юсма Қандаҳарованинг ўғлини касал деб эшитиб, тезгина унинг уйи томон равона бўлдилар. Ҳовлига кираётганларида инқиллаб, тумов бўлган кишидек кетма-кет аксириб кириб бордилар.

— Ассалому алайкум, — дедилар у киши яна инқиллаб.

Уй эгаси эшонни эъзоз-эҳтиром билан кутиб олди. Дастурхон ёзди, чой қилди.

— Уйингда бирон киши касал бўлса керак — гап бошладилар Абдураҳмон эшон.

— Кимдан эшитдингиз отахон?— ҳайрон бўлди мезбон.

Меҳмон чуқур уҳ тортдилар. Ориқ юз ва қисиқ кўзларига аллақандай ғамгинлик югурди. Сўнг аламзада бир овоз билан:

— Тушимда аён бўлди. Уйингдан елти оёқлиқ қора мушук чиқиб кетди,— деб қўйдилар.— Ўша мушукла туни билан олишиб чиқдим...

Юсма опа диний ақидаларга ишонувчи соддадил аёл. Бунинг устига шу нафасда унинг дилбанди иситма ичида азоб чекмоқда. Инграб йиғламоқда.

— Жон эшон почча, ёлғиз ўғлимни қутқаришга ёрдам беринг,— илтижо қилди аёл.

— Локин мен дам солгандан кейин докторга кўрсатмайсан!— дея писанда қилдилар Абдураҳмон эшон.

Шундан сўнг «суф-куф», беморнинг пешонасига туфлаш бошланди. (Эшоннинг оғизларини катта очиш одатлари бўлгани учун дам солганларида тупруклари сачраб кетарди). У киши Юсма опа ҳовлисига тез-тез келиб, уч маҳал овқатини шу ерда ўтказадиган бўлиб қолдилар. Лекин хонадоннинг 11 яшар қизчасини кўз остларига олиб қўйганликларини ҳеч кимга айта олмас, фақат қизчага қараб галати илжаяр эдилар.

Бемор тузалмади. Аксига унинг аҳволи кун сайин оғирлашиб бормоқда эди. Қаттиқ ташвишга тушиб қолган она шу йилнинг биринчи июль куни ўғлини олиб докторга жўнади. Аёлни узоқдан кўриб қолган Эшон ҳазратлари ўғириб ўтирган тасбиҳларини қаёққадир ирғитдилар-да, халлослаб Юсма опа ҳовлисига отилдилар. Юраклари ҳалтага қамалган беданадек ўйноқлар, кўзлари ўт бўлиб ёнар эди. Уйга етгунча дармонсиз оёқлари чалишиб икки марта йиқилиб ҳам олдилар.

Қизалоқ қўғирчоқ ўйнаб ўтирибди. Нозик қўлчалари билан уларни ясатади, пешонасидан ўпиб эркалайди, суяди.

— Қизим, нима қилиб ўтирибсан? —қалтироқ овоз билан сўрадилар эшон.

— Бобожон, қўғирчоғим касал,— деди қизча.

Эшон ҳазратлари, — бўлмаса дам солиб қўяй,— деб чўккалаб, аввал қўғирчоқнинг силлиқ пешонасидан, сўнгра қизчанинг гулдек юзидан очкўзлик билан ўпдилар. Сўнг:

— Қизим, қани энди буёққа юр! —дедилар ўринларидан туриб.

— Қаерга борамиз, бобожон?

— Юр олма олиб бераман.

— Қизчамга ҳам олиб берасизми?

— Албатта, ўша ерда дам ҳам солиб қўяман.

Эшон жажжи қизчанинг қўлидан етаклаб қонунсиз очилган масжид томон бошладилар. Ҳужра ичкарисидан қулфланди.

Аммо эшон ифлос мақсадини амалга ошира олмадилар. Қизча қарасаки, кўз олдида одам эмас, балки йиртқич ҳайвон турибди. Бу ҳалиги меҳрибон бобо эмас!

— Йўқол! Ифлос!!— қичқирди қизча. У, деразани тепиб одамларни ёрдамга чақирди. Оломон тўпланди. Доктордан қайтган она ҳам бир нафасда шу ерда пайдо бўлди. Аммо эшон эшикни очмасликка тиришар эдилар. Баданлари юлинган, сочлари тўзғаган, юлинган ярим ҳушсиз қизчани дераза орқали чиқариб олишди. Абдураҳмон эшон бўлсалар:

— Бизнинг замонда муҳаббат эркин. Нега менга ҳалақит берасиз. Мен севиб қолганман... Сизларни судга бераман,— дея сурбетлик билан шовқин кўтардилар.

77 ёшли эшон қўғирчоқ ўйнаб ўтирган қизчани севиб қолганмиш! Ёлғон! Бу тасбиҳ ўгириб ўтириб, ҳирс ҳаёлига ботган қарри қирчанғининг фош бўлиб қолган навбатдаги қурбонлик ҳамласидир.

Т. ИУЛДОШЕВ.

Х. ТУХТАБОЕВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

Кўз ёшлари

Бир киши дўстиникига меҳмонга борипти. Мезбон шовла пишириб:

—Қани овқатдан есинлар, — депти.

Меҳмон шовладан бир қошиқ оғзига солган экан, оғзи куйиб кўзидан ёш чиқибди.

— Нега йиғлайдилар?—сўрабди уй эгаси.

— Уйда бемор бор эди, эслаб кўнглим бузилди, дебди меҳмон, — қани ўзлари ҳам олсинлар.

Уй эгаси ҳам шовладан бир қошиқ оғзига солган экан оғзи куйиб, унинг ҳам кўзида ёш томчилари кўринибди.

—Ўзлари нега йиғлайдилар?—сўрабди меҳмон.

— Сиз айтган беморнинг аҳволи чиндан ҳам оғирга ўхшайди. Менинг ҳам кўнглим бузилди,—жавоб қайтарибди меҳмон. Ўшанда икковлари роса кулишган экан.

Худди шунга ўхшаб Октябрь райони Чувалачи маҳалласининг бир неча минг аҳолиси ҳам ҳар кун: эрта ҳам, кундуз ҳам, кеч ҳам йиғлагани-йиғлаган. Ҳеч биринниг юрагида дарди-алами йўқ, шод-хуррам, лекин йиғлайди. Шамоллаб қолган бўлмаса ҳам тизмай йўталади. Димоғи ачиб кундузи ҳам, кечаси ҳам аксиради. Айниқса чақалоқларнинг кўз ёшлари кўп тўкилади. Чунки маҳалламизга гаримдори янчадиган тегирмон жойлашган. Юқоридагиларга ана шу нарса сабаб бўлмоқда. Маҳалладагиларнинг ҳаммаси ҳам мушкул аҳволдаю, лекин район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мирхўжаев ва райпромкомбинат директори ўртоқ Турдиевлар бу ҳақда афтидан ўйлаб ҳам кўрган эмаслар. Чунки уларнинг олдига арз қилиб борган кишиларга аксириш ёки йўталиш қатъиян манъ қилиниб, дея кулгили жавоб қайтармоқдалар. Бу аҳвол қачонгача давом этар экан.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ОНАЛАР ШИКОЯТИ

Фарзанд кўриш орзуси билан яшамаган бирон аёл топилмаганидек, бирон онадан туғилмаган одам ҳам учрамаса керак. Ҳатто Карл Маркс номли колхознинг раиси ўртоқ Абдуллаев билан Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ Мирзаевлар ҳам бу ҳақиқатни инкор қилаётганлари йўқ. Икковлари ҳам тенганига «ҳомиладор оналар учун кўз ёришдан ҳам қийинроқ бир нарса йўқ. Буни биз ўз оиламиз мисолида синаб кўрганмиз. Чиндан ҳам ҳомиладор аёлларга ёрдамлашиш керак» деб юрибдилар. Улар раислик қилаётган колхозларнинг 42 та юк, 10 та енгил машинаси гумбирлаб юриб турибди. Ана шу 2 колхоз ўртасига туғруқхона жойлашган. Туғруқхона колхозларга қарашли. Лекин туғруқхонада «Тез ёрдам» машинаси йўқ. Унда битта эски, ғилдираклари майишиб кетган велосипед бор, холос. Тунов куни ўртоқ Абдуллаев менинг бир дугонамга:

— Кўз ёрмоқчи бўлсангиз қарши эмасмиз. Лекин машина ўрнига туғруқхонанинг велосипедини чақириб қўяқолинг, — дея жавоб берибди.

Ўртоқ Мирзаев бўлса ундан ҳам ўтказиб юборибди. Ой-куни яқинлашиб, тўлғоқ тутиб турган бир аёлга машина сўраб келишган экан:

— Шунча кун сабр қилган яна бир-икки кун сабр қилсин, — дея жавоб берибди.

Колхоз аъзоси дугонамиз Шокирована шу йилнинг 21 мартида тўлғоқ тутиб қолади. У уён-буён югурганч, машина топа олмаганидан туғруқхонага пиёда жўнайди. Аммо йўл олис бўлганлиги учун мўлжалга етаолмай, йўлда кўзи ёрийди. Шунингдек дугоналаримиздан Саидалиева билан Қозоқовалар ҳам худди ана шундай «ажойиб» аҳволни бошларидан кечирдилар. Бу ҳолисаларни ўз вақтида раисларимиз эшитишди. Эшитишди-ю, елкаларини қисиб қўя қолишди.

Колхозимизда ҳомиладор аёллар кўп. Улар туғруқхонага бориб озода, бехатар жойда кўз ёришни истайдилар.

Туғруқхонамизни «Тез ёрдам» машинаси билан таъминлашда бизга ким ёрдам берар экан? Раисларимиздан бирон иш чиқмайдиганга ўхшайди. Биз, колхозчи аёллар, энди кимга мурожаат қилсак экан?

Умида ҲАЙДАРОВА,
колхозчи,
Калинин райони.

Телевизор экранида

9 АВГУСТДА

12.00. Ўқувчилар учун «Етти йиллиқка саёҳат» деган эшиттириш ва бадиий фильм— «Ажойиб яшанба».

19.00. Бинокорлар кунига бағишланган эшиттириш ва концерт.

20.00. Сўнгги ахборот.

20.20. Бадиий фильм — «Фарзандлар».

22.00. «Совет Узбекистони хотин-қизлари» телевизион журнали.

Об-ҳаво маълумоти

Кеча Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво асосан очиқ бўлди. Кундуз соат 12 да Тошкентда 28, областда эса 28—30 даража иссиқ бўлди.

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз булутланиб туриши, ёнингарчилик бўлмаслиги кутилади. Тошкентда 32—34, областда эса 31—36 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари: М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/VIII да **Оқ нилуфар**, 10/VIII да **Фарғона ҳикояси**.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун **Бу юртда**, кеч соат 9 ва 11 да кенг экранли фильм **Биринчи ранг капитан**.

«ОКТЯБРЬ» — **Бой ила хизматчи** (ўзбек тилида).

«ВАТАН», «УДАРНИК» — **Бу юртда.**

«ФЕСТИВАЛЬ» — **Пул орттирма, дўст орттир.**

КАФАНОВ номли — **Турналар учади.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Пул орттирма, дўст орттир**, 3-залда кеч соат 8-20 минутгача **Турналар учади.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **«Тузалмаслар»**, кундуз соат 2 ва кеч 6 да **Пул орттирма, дўст орттир.**

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун: 1-залда **Бу юртда**, 2-залда **Леди Гамильтон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР
(Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида)

9, 10 августда

катта КОНЦЕРТЛАР

Концертда: Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Абдуғафур Абдураҳмонов**, VI Жаҳон фестивали лауреатлари **Ҳасан Султонов, Мунаввар Давлатова**, солистлардан **Ҳадия Юсупова, Адиба Мирзаева, Сора Шукурова, Райҳон Тўраева, Тамат Зиёхонова, Суръат Пўлатов, Саидазим Муродхонов, Назира Раҳимова, Мукаррам Қаҳҳорова** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ленин қишлоқ советидаги Ленин номли колхозда турувчи **Ҳасан Акбаровнинг** Тошкент шаҳар, Оқтепа кўча, Ойимча проезд, 9-уйда турувчи Раъно Алимовна Ҳакимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Калинин район, 2-участка халқ судида кўрилади.

К. Маркс кўчаси, 85-уй, 104-хонада турувчи **Акрам Иброҳимович Қаюмовнинг** Кисловодск кўчаси, 36-уйда турувчи Валентина Сергеевна Қаюмовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-участка халқ судида кўрилади.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиниг киноустановка экранларига янги кинополвестлар чиқаради:

Жазирамада куйганлар

Сценарий автори — **Чень Цзун-фэй.**

Режиссёрлар — **Хуа Чунь, Ши Вэнь-чжи.**

Оператор — **Чэнь Жуй-цзинь.**

Ролларда: **Юй Шао-кан, Гу Син-хуэй, Ван Лянь-хай, Ван Дян-си, Ван Дицинь, Бао Мэн-мэй, Мэнь Цинь-фан, Ди Чунь-хуалар** қатнашади.

Фильмни Хитой Халқ-озодлик армиясининг 1-август номли киностудияси 1957 йилда ишлаган, М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

ШАМОЛДАН ТЕЗ

Сценарий автори — **Константин Кудиевский.**

Постановкачи режиссёрлар — **Владимир Довгань, Александр Курочкин.**

Оператор — **И. Миньковецкий.**

Ролларда: **Э. Кошман, Л. Шпара, В. Любимов, А. Бунин, И. Дзюба, С. Хитров, Д. Нетребин, И. Кононенко, М. Криницина, В. Борщчевский**лар қатнашади.

Фильмни Ялта киностудияси 1958 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р.08192. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1653.